

ХШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

2019 йил январь-март ойларида Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1670,8 минг сўми (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 85,3 % га ўсиши таъминланди.



Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди (2019 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ходимлар сони, киши	Иш ҳақи фонди, млрд.сўм	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм
Вилоят бўйича-жами	200057	990,4	1670,8
<i>шу жумладан:</i>			
Саноат	34661	230,0	2251,7
Қурилиш	522	3,3	2103,6
Савдо	2812	13,6	1701,5
Ташиш ва сақлаш	3470	9,4	912,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	181	0,4	766,2
Ахборот ва алоқа	898	5,3	1997,3
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	4402	50,2	3898,3
Таълим	88519	402,9	1528,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	36897	137,7	1267,0
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1782	6,6	1250,0
Бошқа фаолият турлари	1347	131,0	1086,1

Иш ҳақи. 2019 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда.

Таълим соҳасида 88,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 44,2 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 402,9 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фонди улуши 40,6 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1528,0 минг сўмни ташкил этди.



Саноат иқтисодий фаолият турида 34,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 17,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 230,0 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 23,2 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2251,7 минг сўмни ташкил этди.



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида 36,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 137,7 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 13,9% ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1267,0 минг сўмни ташкил этди.



Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турида 3,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,7% ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 9,4 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,9 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 912,2 минг сўмни ташкил этди.




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти иқтисодий фаолият турида 4,4 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 50,2 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 5,1 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3898,3 минг сўмни ташкил этди.

Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан таиқари, минг сўм)

	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>
Андижон вилояти	1426,1	1670,8	117,2
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	1717,7	2012,6	117,2
Ҳонобод	1533,1	1584,6	103,4
<i>туманлар:</i>			
Олтинқўл	1115,4	1305,7	117,1
Андижон	1162,7	1421,8	122,3
Балиқчи	1010,3	1245,4	123,3
Бўз	1111,0	1249,1	112,4
Булокбоши	1190,8	1250,3	105,0
Жалакудук	1180,3	1546,5	131,0
Избоскан	1092,8	1352,6	123,8
Улуғнор	1065,6	1343,7	126,1
Қўрғонтепа	1196,6	1454,9	121,6
Асака	1901,7	2126,3	111,8
Марҳамат	1152,7	1344,6	116,6
Шаҳрихон	1228,3	1327,2	108,1
Пахтаобод	1195,4	1533,6	128,3
Хўжаобод	1296,2	1545,5	119,2

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2019 йил январь-март ойларида; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Асака шаҳар 2126,3 минг сўми (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 127,2 %), Андижон шаҳар 2012,6 минг сўми (120,4 %) ташкил этган бўлса, Балиқчи туманида 1245,4 минг сўми (74,5 %), Булоқбоши туманида 1250,3 минг сўми (74,8%) ташкил этиб, бошқа худудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатға ҳақ тўлаш ягона таъриф сеткасининг биринчи разряди (2019 йил март ойида 577,2 минг сўми ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

